



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 27 декабрь, № 254 (5928)

Жума

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 28 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2013 йил 12 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлансин.\*

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси 2014 ва 2015 йиллар мобайнида:

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини нормаларининг амал қилиши ва самардорлиги мунтазам равишда ҳамда ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилинишини таъминласин;

зарур бўлган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг айрим нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни белгиланган тартибда киритсин.

**3-модда.** Ушбу Қонун 2014 йил 1 январдан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 26 декабрь  
№ УРҚ — 360

\*Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламида эълон қилинади.

### ТАНЛОВ

Мамлакатимизда навқирон авлодни юксак салоҳият ва пухта билим соҳибига тарбиялаш мақсадида жаҳон андозаларига мос таълим масканлари, санъат ва спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Президентимиз раҳнамолигида келажак ворисларининг эртанги ёруғ ва фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган бундай ибратли саъй-ҳаракатларга жавобан, билими, иқтидори ҳамда қобилиятини кенг миқёсда намоён этишга интилаётган шижоатли ўғил-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Уларнинг кўлга киритаётган муваффақиятлари эса ҳар бир юртдошимизнинг ҳавасини келтириши аниқ.

## Истеъдод, эътироф ва рағбат

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшларнинг энг оммавий лойиҳаларидан бири бўлмиш “Юрт келажаги” республика кўрик-танлови ҳамда “Қамалот юлдузлари” республика болалар ижодиёти фестивали ҳам мамлакатимизда иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур тадбирларда юртимизнинг фарзанд бўлиш умидидаги минглаб ёшлар, истеъдодли болажонлар фаол қатнашиб, қобилият ва маҳоратини намоён этаётган.

Кеча пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида мазкур танловларнинг республика босқичи қўлибларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда иқтидорли болалар, беллашув қўлиблари, ҳақамалар ҳайъати, экспертлар ҳамда ўқувчи ва талаба-ёшлар иштирок этиди. Вазирилари Маҳкамасининг шу йил 4 мартдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирлари дастурига мувофиқ ўтказилган тадбирда сўзга чиққан “Қамолот” ЁИХ Марказий кенга-

ши раиси Б. Ғаниев ва бошқалар улғайиб келаётган ўғил-қизларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, жамиятимиздаги ислохотлар жараёнида уларнинг фаоллигини янада ошириш Президентимиз Ислам Каримов юритаётган сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

Дастлаб мухташам саҳнага “Қамалот юлдузлари” республика болалар ижодиёти фестивалининг қўлиблари тақдир этилди. Маълумки, фестивалнинг бу йилги финал босқичлари тўртта ҳудудда — Наманган, Самарқанд, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўтказилди. 6 дан 14 ёшгача бўлган болалар қатнашган танловда жажжи истеъдод соҳиблари мумтоз мусиқа, миллий чолғучилик, рақс, тасвирий санъат ва адабиёт йўналишларидаги ижод намуналарини фестивалнинг ҳайъати аъзолари тақдим этиди. Яна бир жиҳати шундаки, мазкур фестивалда қатнашиш учун юртимизнинг энг чекка ҳудудларидан тортиб, марказий шаҳарларда яшовчи 35 мингга яқин болалардан аризалар қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, яратилаётган имконият ва имтиёзлар саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришнинг муҳим омил бўлмоқда.

### МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

Буни республикамизнинг барча ҳудудлари каби Жиззах вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида вилоятдаги мавжуд, янгидан ишга туширилган, модернизация қилинган ва маҳаллийлаштирилган саноат корхоналари томонидан 263,6 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 17,6 фоиз ўсишга эришилгани бунинг яққол исботидир.

2008 йилда ташкил этилган “Муруваттекс” масъулияти чекланган жамияти Зомин тикув фабрикаси жамоасининг ҳам бунда муносиб ҳиссаси бор. Ҳозир бу ерда 250 нафардан зиёд ишчи-мутажассис томонидан ўндан ортиқ турдаги болалар ва катталар трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган даврида экспорт учун 175 минг дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарили-



ди, — дейди фабриканинг ижрочи директори Ёрбек Абдурахимов. — Хорижлик ҳамкорларимиз билан тузилган шартномага асо-

сан, уларнинг қарийб барчаси буюртмачиларга етказиб берилди. Айни пайтда жамоа аъзолари жаҳон бозори талаб-

ларига мос келадиган харишдор маҳсулотлар турини кўпайтириб, экспорт ҳажминини янада ошириш устида тинмай изланишмоқда. Кор-

хонанинг бу борадаги имкониятлари етарли.

Улуғбек АДИЛОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.  
Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

## Ижтимоий шериклик муносабатлари мустаҳкамланмоқда

Юртимизда меҳнат муносабатлари соҳасида ижтимоий шериклик имкониятларини кенгайтириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар бугун ўз натижасини бермоқда.

### 2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан “Меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикликнинг аҳамияти ва “Обод турмуш йили” Давлат дастури ижросида касаба уюшмаларининг ўрни” мавзuida ўтказилган анжуманда шу хусусда атрафлича сўз юритилди. Аввало, меҳнат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга оид мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилгани таъкидланди. Дав-

латимиз томонидан ратификация қилинган бир қатор халқаро ҳужжатлар ҳамда “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунлар, Меҳнат кодексини ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир. Ҳозирги пайтда мазкур ҳужжатлар орқали ходимларнинг касаба уюш-

маларига бирлашиш, жамоа музокараларини олиб бориш, келишув ва шартномаларни тузиш ҳуқуқлари кафолатлаб келинмоқда.

Маълумки, ходимлар самарали меҳнат қилишида уларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимояла-ниши муҳим омил ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бугун юртимизда уч томонлама, яъни давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ижтимоий шериклиги йўлга қўйилган. Бу эса нафақат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, балки иқтисодийетимизни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисидаги фармойишига мувофиқ, Мудоффа вазирилик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ҳарбий хизматчилар ва аҳоли ўртасида учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда

...Самолёт Нукус қўналғасига бир текис эниб бораётган. Дарчадан қарайман: шаҳар батартиб, шахмат тахтасидек раван кесишган кўчалар кўзга ташланади. Ҳа, тартибда ҳам жозиб, гузаллик бор, деганлари рост. Шаҳарда кўтаринки тарраду. Болакайлар шодон қийқиришиб, бир-бирига тегишиб, арча безатмоқда. Йўл четига улкан лавлар янгиланаётган. Чилла арафаси бўлишига қарамасдан қурилиш авжида. — Бизда сал совуқроқда, — дейди жилмайиб Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенесбой Каримов. — Қаранг, мамлакатимизнинг кенглигини. Бугун Термиз-

## ҲАҚ ЙЎЛ

да ўн даража илик бўларкан. Бизда эса минус ўн олти...

— Ҳечқиси йўқ, ёшулли, сиздай истараси иссиқ одамлар билан юрсақ, совуқ билинмайди, — дейман.

Бу ерларга ўтган йили келганимни эслаيمان. Атрофга аланглайман. У пайт манави бинолар йўқ эди, музей ўз ҳолича эди, ҳашаматли сайилгоҳ ўрни энди текисланаётган... Эҳ-хе! Юртимиз бўйлаб қулоқ ёйган бунёдкорлик, яратувчанлик, ёшариш Нукусда ҳам яққол бўй кўрсатиб турибди. Бунинг барчаси, Президентимиз Ислам

Каримов айтганларидек, тинчлик, осойишталик туфайли. Ҳеч бир неъмат осонликча кўлга киритилмайди. Уни асраш янада қийин, масъулиятли. Бугунги кунда бутун дунёда ноёб неъматлар қаторига кирган тинчлик-хотиржамлик ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, “Элнинг гуркураши, тўйлар сабаби” шундан эмасми? Кимдир оромидан, ҳаловатидан кенгани туфайли қимлардир ором ва ҳаловат бор... Шуманайда ана шундай фидойи ҳарбийлар — чеғарачилар билан учрашдик.

(Давоми 4-бетда).

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Президентимизнинг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида”ги Фармойишига мувофиқ тузилган Ишчи комиссиянинг якуний мажлиси бўлиб ўтди.

## Ҳуқуқий эксперимент яқунлари муҳокама қилинди

Унда қўйилган депутатлари, Вазирилари Маҳкамаси, ҳокимликларнинг масъул ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ вакиллари иштирок этиди.

Таъкидланганидек, 2013 йил март ойидан эътиборан декабрда Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти органлари негизда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилди. Мазкур илгор демократик усулнинг амалиётда қўлланилиши юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга йўналтирилгани билан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Яъни ушбу жараён давлат органлари фаолиятининг очиклиги, ундан оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси нормалари самардорлигини аниқлаш имконини берди. Айни қанда қонун лойиҳасини такомиллаштириш, уни самарали қўллаш механизмларини яратиш, ҳуқуқий эксперимент усулларини қонун ижодкорлиги жараёнига жорий қилиш бўйича тақлифлар тайёрланди.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда айтиб ўтганидек, “фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида қарийб бир йилдан буюн ўтказилаётган ҳуқуқий тажрибада кенг иштирок этаётганда кўриш мумкин”.

Тадбирда қайд этилганидек, ҳуқуқий эксперимент ўтказилиши мамлакатимизда ва унинг ташқарисидан кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилди, жамият ҳаётини, қонун ижодкорлигини демократлаштиришнинг муҳим жиҳатига айланди, фуқаролик жамиятининг давлат институтлари фаолиятига нисбатан ишонч даражасини оширди. Ўз навбатида, амалиётда қонун лойиҳасини таъминлаш, қоидаларини синовдан ўтказиш, ҳокимият субъектлари ва бошқарув бўғинлари фаолияти очиклигини таъминлаш бўйича қонун нормаларини баҳолаш учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

(Давоми 2-бетда).

### Обод турмуш йили давомида мамлакатимиз бўйича намунавий лойиҳалар асосида

БИР  
РАҚАМ  
ШАРҲИ

10

мингта  
замонавий  
тураржой  
барпо  
этилди.

Бунинг учун аҳолига 1 триллион 400 миллиард сўмлик узок муддатли ва имтиёзли кредитлар ажратилди. Пировардида минг-минглаб оилаларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи таъминланди. Уларнинг яшаш шароити тубдан яхшиланиши, ҳаёт даражасини оширишга эришилгани эса бугун нафақат ён-атрофимиздаги давлатларда, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ИСТЕЪДОД, ЭЪТИРОФ ВА РАҒБАТ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Болалар ижодиёти фестивалини юқори савияда ўтказиш мақсадида ҳақамлар хайъати аъзолари, таниқли санъат ва маданият вакиллари ҳамда ташкилотчилар саралаш жараёнларида бевосита иштирок этиб, юртимизнинг чекка-чекка худудларидаги ёш истеъдод эгалари иқтидорини баҳоладилар.

— Фестивалда тасвирий санъат йўналиши бўйича қатнашдим, — дейди Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 2-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Зулайҳо Ҳамиджоновна. — “Камалак юлдузлари”да голиб бўлишни астойдил ният қилгандим. Якуний босқичда ҳам мен чизган миниатюралар кўпчиликка ёқди. Нуфузли тадбирнинг

республика босқичи доирасида ёш рассомлар ва ҳунармандларнинг кўргазмаси, шунингдек, санъат намояндалари иштирокида мастер-класс, турли маданий тадбирлар, худудлардаги диққатга сазовор жойларга экскурсиялар уюштирилди. Жажжи болажонлар муносиб тақдирлангандан сўнг саҳнага “Юрт келажаги — 2013” танло-

ви голиблари тақлиф этилди. Голибларни тақдирлаш маросимида таъкидланганидек, жорий йилда “Камолот” ЁИХнинг бошланғич ташкилотлари, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан “Юрт келажаги” республика кўрик-танловига қатнашиш истагини билдирган 84 мингдан ортиқ ёшлардан аризалар қабул қилинди. Унда юр-

тимизнинг барча худудларидан 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича ўз истеъдодларини намойиш этдилар.

— Танловда рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар билан қатнашиб, голибликни қўлга киритдим, — дейди Тошкент темир йўл-муҳандислари институти магистри Отабек Исроилов. — Ҳақамлар хайъати аъзолари “Автомобиль ва темир йўларида зичлик коэффициентини тезкор усулда аниқловчи қурилма” мавзусидаги йилхонани муносиб эътироф этишганидан хурсандман. Кўриқда илк бор қатнашаётган бўлсам-да, интилишларим мақсулани намойиш эта олганим катта ютуғимдир.

Голибларни тақдирлаш маросими якунида истеъдодли ёшлар ва таниқли эстрада хонандалари ихросидаги концерт дастури барчага завқ-шавқ улашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов иштирок этди.

**Омонулло ФАЙЗМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.  
Ҳасан ПАЙДОЕВ  
олган сурат.

# Ижтимоий шериклик муносабатлари мустаҳкамланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув имзоланган бўлиб, унда иқтисодиётни янада ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, даромadni ошириш, турмуш даражасини юксалтириш, меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, ижтимоий мулоқот ва шерикликни ривожлантириш масалалари қамраб олинган. Айтиш жоизки, Бош келишувдан келиб чиқиб, мамлакатимиз миқёсида амал қилаётган 86 та тармоқ келишуви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича 14 та худудий келишув, қорхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган 93 миң 805 та жамоа шартномаси орқали ходимлар манфаатлари ишончли ҳимоя қилинмоқда.

Иштирокчилар эътироф этишганидек, бугун жамоа шартномалари орқали ходимларнинг касби, малакаси ва меҳнат шартномасига биноан, бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари барпо этиш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, иш вақти, таътиллари ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш вазифалари ҳам изчиллик билан бажарилмоқда. Мисол учун, шу йил давомида жамоа шартномаси ва келишувлари орқали касаба уюшмаси ва иш бевувилик ижтимоий шериклиги асосида 22 миң 340 нафар ходимга ва 183 миң 721 оилга 82 млрд. 446 млн. сўмликдан зиёд ижтимоий ёрдамлар берилди.

Тадбирда жамоа шартномалари орқали ходимлар, айниқса, ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда юксак маънавиятни шакллантириш йўналишидаги ишлар ҳам изчил давом эттириляётгани қайд этилди. Хусусан, меҳнат жамоаларида “Маънавият соатлари” мунтазам йўлга қўйилган. Федерация Кенгаши қошидаги “Касаба сайр” шўъба қорхонаси

томонидан ходимлар ва улар оила аъзолари иштирокида тарихий шаҳарлар, истиқлол йилларида барпо этилган замонавий ишоотлар, кўркам хиёбонлар бўйлаб саёҳатлар уюштирилмоқда. Масалан, жорий йилда 60 миң нафардан зиёд кам таъминланган оилалар аъзолари Тошкент, Самарқанд, Шахрисабз, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарларни томоша қилиб қайти.

Ижтимоий шериклик аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўналишида янада самарали бўляётгани, айниқса, диққатга сазовордир. Масалан, тизим санаторийларида кам таъминланган ёш оилалар вакиллари, она ва болалар соғломлаштирилди. Айни чоғда ёш мавсумида 1058 та болалар оромгоҳида 293 миң нафардан ортиқ бола имтиёзли асосда ҳордиқ чикарди. Иш бевувилик ва касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклиги асосида 74 миң нафарга яқин бола соғлигини мустаҳкамлади. 4500 нафар Оролбўйи худуди болалари, 3087 нафар Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиси ва 2008 нафар иқтидорли бола бепул дам олиш имконига эга бўлди. Шунингдек, 9499 нафар бола 116 та иқтисодлаштирилган оромгоҳларда дам олиб қайтди.

Анжуманда “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида бажарилган бошқа ишлар ҳам сарҳисоб қилинди. Айни чоғда Соғлом бола йилида амалга оширилган устувор вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, болаларни соғломлаштириш ишларининг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида вазирликлар, идора ва ташкилотлар, йирик қорхоналар ҳамда касаба уюшмалари ижтимоий шериклиги асосида республика миқёсида янги болалар соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, мавжудларини таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш айна мудидадир. Эътиборлиси, бу борадаги юмушлар аллақанда бошлаб юборилган.

Яқунда муҳокама қилинган вазифалар юзасидан тавсиялар берилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Қисқа сатрларда

● Пойтахтимизда Молия вазирлиги ҳузуридаги йўл жамғармаси ходимлари учун демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга бағишланган семинар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ҳамда мутасадди идоралар вакиллари қатнашган ушбу тадбирда молия тизимидаги мутахассисларнинг ҳуқуқий билимини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар бераётган юксак самаралар ҳусусида сўз юритилди.

● Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан “Борлигимиз, болажон!” деб номланган хайрия тадбири ўтказилди. Янги йил байрами арафасида имконияти чекланган, кам таъминланган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг фарзандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга шодлик ва қувонч улашиш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда турли эртак қаҳрамонларнинг чиқишлари, қувноқ куй-қўшиқлар намойиш қилинди.

● Бухорода одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро вилоят комиссиясининг йўналишида мазкур масала бўйича Ғиждувон ва Шофиркон туманлари идораларо комиссиялари фаолиятини ўрганиш якунлари муҳокама қилинди. Бундай ҳиёнатнинг олдини олишда одам савдосига имкон яратаётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, аҳоли бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

● Тошкентда Экология салбий таъсирига қамайтириш лойиҳаси якунига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан уюштирилган ушбу тадбир “Йилнинг энг яхши ташаббуси” танлови бўйича ибратли лойиҳалар тақдимоти ҳамда голибларни тақдирлаш маросими билан якунига етди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ

Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 70 йиллиги ва унинг истиқлол йилларидаги фаолиятига бағишланган ёш олимларнинг илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

# Ёш олимлар анжумани

Фанлар академияси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Маркази кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш. Солиҳов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, ўз салоҳиятини тўлақонли намоён этиши учун уларга кенг имкониятлар яратиб берилаётганини алоҳида таъкидлади.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 70 йиллик кенгаши 2009 йилнинг декабрь ойида ташкил этилган. Бугунги кунда 700 дан ортиқ ёш иқтидор соҳибларини ўзида бирлаштирган мазкур кенгашнинг асосий мақсади — ёш олим ва мутахассисларнинг профессионал илмий даражада ўсиши ва ижтимоий фаоллигини ошириш, Фанлар академияси учун илмий устувор вазифаларни ҳал қилишда уларнинг қучини бирлаштириш, инновацион

фаолиятни ривожлантириш, илмий ютуқларини тарғиб қилиш, ёшларни илмга жалб этиш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Кейинги йилларда Ёш олимлар кенгашининг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароит яратилган бўлиб, ҳозир илмий фаолиятни янада такомиллаштириш чоралари устида ишлар олиб борилмоқда.

— Давлатимиз томонидан бевосита ёш тадқиқотчиларнинг илмий фаолиятлари самарадорлигини оширишга бағишланган бир қатор ислохотлар изланишларимизга қанот бўлмоқда, — дейди Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Ёш олимлар кенгаши раиси Шарифжон Исломов. — Жумладан, Президентимизнинг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига биноан, жорий йил бошида Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юр-

тидан кейинги таълим тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унга кўра, олий ўқув юртини битирган магистрлар докторантура босқичида ўз тадқиқотларини давом эттиришлари мумкин ва қисқа муддатда фан доктори даражасини олишлари имконият яратилди.

Илмий-амалий анжуманда таъкидланганидек, Фанлар академиясидаги ҳар бир амалий ва инновацион лойиҳаларда ёш олимларнинг иштироки кўзда тутилган. Шу билан бирга илмий тадқиқотлар “Устоз — шогирд” аънасанасига асосланган ҳолда олиб борилади. Ушбу илмий изланишлар натижасида жаҳон аҳамиятига молик бир қатор устувор натижаларга эришилди. Жумладан, юздан ортиқ илмий иқтидорларга патентлар олинди, илмий тадқиқот натижалари бир ярим миңдан зиёд маҳаллий ва хорижий нашрларда чоп қилинди. Амалий ишланмалар мунтазам ривожлантириб, асосан, республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоқлари эҳтиёжига йўналтирилди.

Анжуман ўз ишини шўъбаларга бўлинган ҳолда давом эттирди. Физика-математика, табиий фанлар ва ижтимоий-гуманитар йўналишдаги йиғилишларда ёш олимлар фан соҳасида қўлга киритилган энг янги илмий тадқиқот натижалари билан иштирок этдилар. Конференция сўнида “Энг яхши маъруза”, “Энг яхши кўргазма” муаллифлари ҳамда “Энг яхши илмий мақола” танлови голибларига эсдалик совғалари топширилди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

# Фуқаролик жамияти ва ОАВ

Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ҳамкорликда “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омил” мавзусида семинар ўтказилди. Унда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

## ТАДБИР

Таъкидланганидек, юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга олий кадр ўрнатилган бўлиб, асосан, республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоқлари эҳтиёжига йўналтирилди.

Таъкидланганидек, юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга олий кадр ўрнатилган бўлиб, асосан, республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоқлари эҳтиёжига йўналтирилди.

Шунингдек, тадбир мобайнида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустиқил институти, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган “Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида” мавзусидаги республика танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танловга жами 500 га яқин ишлар келиб тушган бўлиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича амалга ошириляётган ислохотлар, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалаларини қамраб олган мақолаларни мунтазам ва тизимли ёритиб бораётган журналистлар орасидан энг муносибларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

**С. ҚОСИМЖОНОВ.**

# Ҳуқуқий эксперимент якунлари муҳокама қилинди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, ҳуқуқий тажрибанинг дастлабки босқичида зарур ташкилий-ҳуқуқий база тайёрланиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти регламентлари қонун лойиҳаси мезъерлари белгиляйдиган очиклик тамойили нуктаи назаридан ишлаб чиқилди. Қолаверса, жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари мазкур эксперимент вазифалари, мақсадлари, тартиби ва бошланиши ҳақида хабардор қилинди.

Асосий босқич доирасида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ахборотдан фойдаланувчиларнинг фаолиятини Эксперимент ўтказиш тартибига мувофиқ ташкил қилиш диққат марказида бўлди. Қолаверса, қонун лойиҳасида назарда тутилган ҳокимият ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлаш шакллари ва усулларини тушунтириш ҳамда тегишли нормалар самарадорлиги комплекс баҳоланди. Бундан ташқари, аҳолига, авваломбор, кишиларнинг манфаатларига бевосита дахлдор бўлган масалалар юзасидан қабул қилаётган қарорлари мазмун-моҳиятини матбуот анжуманлари, брифинглар, интервьюлар орқали ту-

шунтириш борасида давлат органлари раҳбарларининг фаол иштирок этиши, бу борада самарали ташкилий-ҳуқуқий усулларни ишлаб чиқишга эришилди. Шулар қаторида миллий матбуотнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ёритишдаги самарадорлигини юксалтиришга қаратилган журналистларнинг касбий фаолиятини ўзини ўзи тартибга солиш турли механизмлари (касбий этика кодексини) синовдан ўтказиш, қонун лойиҳаси қабул қилинган тақдирда унинг нормалари татбиқ этилиши натижасида давлат бошқаруви тизими барқарор амал қилиши, ушбу соҳада ахборот хавфсизлигини таъминлаш нуктаи назаридан эҳтимоли бўлган оқибатларни баҳолаш ҳуқуқий эксперимент муҳим натижалари қаторидан жой олди.

Ва ниҳоят, ҳозирги якуний босқичда ҳуқуқий эксперимент натижаларини таъминлашга қаратилган тадқиқот натижаларини умумлаштиришда ва таҳлил қилмоқда, шунингдек, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан асосланган тавсиялар ишлаб чиқмоқда.

— Ҳуқуқий эксперимент натижалари ҳақида фикр юритар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаётган лозимки, у нафақат қонун лойиҳаси нормаларини синовдан ўтказиш имконини берди, — дейди

**Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Ахборот хизмати раҳбари М. Ибодуллаев,** — балки ҳокимлик фаолияти очиклигини таъминлаш янада маромига етказиш нуктаи назаридан самарали бўлди. Ҳуқуқий эксперимент жараёнида давлат идоралари ҳолатининг билим-қуникмалари даражаси оширилди, ҳуқуқий экспериментнинг деярли барча субъектлари веб-сайти ишга туширилди. Ҳозирги вақтда қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ фуқаролар ва юридик шахсларнинг вакиллари ахборот олиши учун мақбул жойларда ахборот стендлари яратилди.

— Ҳуқуқий эксперимент давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини янада изчил такомиллаштиришга йўналтирилгани билан долзарб бўлди, — дейди **Бухоро вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари А. Рустамов.** — Жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан юқори даражада очиклигини таъминлашнинг талаб этади. Ва бунга келгусида янада қатъийлик билан интилиш давр тақозосидир.

Йиғилишда қайд этиб ўтилганидек, ҳуқуқий эксперимент ахборот соҳасида ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш,

сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида салмоқли натижалар берди. Масалан, Самарқанд вилояти ҳокимлигига ҳуқуқий эксперимент мобайнида фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари 274 та, Бухоро вилояти эса 183 та сўров йўллди. Самарқанд вилояти туманлари ҳокимликларига жами 368 та, Бухоро вилояти эса 316 та, Самарқанд вилояти ташкилотлари ва қорхоналарига 2194 та, Бухоро вилояти эса 1014 та сўров келиб тушди. Жами сўровлар сони Самарқанд вилояти бўйича 2836 тани, Бухоро вилояти бўйича эса 1513 тани ташкил этди. Уларнинг 91 фоизига тегишли жавоблар қайтарилди, қолганлари эса қўриб чиқилмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда фуқаролар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очик коллегиял мажлисларида иштирок этиш усулидан ҳам фойдаланмоқда. Шу каби тадбирларда Самарқанд вилоятида ННТ ва ОАВнинг 129 та вакили ва 9 нафар фуқаро, Бухоро вилоятида — ННТ ва ОАВнинг 42 та вакили ва 46 нафар фуқаро иштирок этди.

Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликларининг веб-порталлари ўз ахборот фаолиятини самарали амалга ошириб келмоқ-

диган ахборотлар турлари аниқ белгиляниши лозим. Қонун лойиҳасида буларнинг ўз ифодасини топиши “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида”ги, “Электрон ҳуқумат тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини қўллаш ва татбиқ этиш доирасини ажратиб имконини беради.

**Куйи палата депутаты, ишчи комиссия аъзоси И. Абдуллаев**нинг фикрича, ҳуқуқий эксперимент амалиёти ҳамда халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиклигини таъминлаш соҳасидаги давлат стандарти асосида Ахборот очиклиги ягона регламентини ишлаб чиқиш мақсадида мувофиқдир.

— Бу уларнинг фаолияти очиклиги билан боғлиқ техник ва ташкилий масалаларни тартибга солиш имконини беради, — дейди у. — Ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан келиб тушган тақлифлардан яна бири давлат органларининг очиклик даражаси рейтингини юритиш ҳамда мониторинг қилиш мақсадида “давлат органлари очиклиги индекси”ни яраттирди.

Ишчи комиссияси якуний йиғилишида қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича асосланган хулосалар ва тавсиялар акс этган ҳуқуқий эксперимент натижалари бўйича якуний ҳужжатни тайёрлашга қаратилган тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Сайджон МАХСУМОВ.**

**ЖАҲОН**

24 соат ичида

АҚШнинг заргарлик буюмлари савдоси билан шуғулланувчи "Tiffany & Co." компанияси Швейцариянинг "Swatch Group" соатсозлик концернига 449 миллион доллар миқдорда тоvon пули тўлайди.

**Товон пули тўлайди**

Нидерландия арбитраж суди шундай қарор чиқарди. Бунга "Tiffany & Co."нинг икки томонлама тузилган ҳамкорлик битумини бузгани сабаб бўлди. Ушбу келишув 2007 йилда амалга оширилган бўлиб, АҚШ вакили 2011 йилга келиб турли баҳоналар билан уни бекор қилган. Муносабатларнинг яқун ясаилишига сабаб бўлган омиллар ҳақида эса манбада аниқ бир гап айтилмаган.



**Хавфли тарихий топилма**

Бельгиянинг Гент шаҳридан Иккинчи жаҳон уруши давридан қолиб кетган авиабомба топилди.

Портловчи қурилма темир йўл станцияси худудидан чиқди. Шу боис унинг яқинида истикомат қилувчи 300 нафардан ортик одам зудлик билан бошқа жойга кўчирилди. "Гент — Брюссель" йўналишида катновчи поездлар харакати вақтинча тўхтатилади. Шундан сўнг бомба мутахассислар томонидан зарарсизлантирилди.



қурилма 1943 — 1944 йиллар ораллигида қўйилган. Чунки айнан уша йилларда Гент шаҳри авиация кучлари томонидан бомбардирмон қилинган ва оқибатида 600 дан ортик бино вайрон бўлган.

**Шубҳали уриниш**

Буюк Британиянинг автомобиль ва авиация санаети учун двигателлар ишлаб чиқарувчи "Rolls-Royce" компаниясида ноқонуний хатти-ҳаракатлар амалга оширилгани юзасидан текширув олиб борилмоқда.

Ушбу маълумот корхона мутасаддилари томонидан ҳам тасдиқланди. Манбага кўра, "Rolls-Royce" ва унинг воситачилари ўз бизнесини хориж давлатларига киритиш учун олди-берди қилганликда айбланмоқда. Бунгача Буюк Британиянинг бошқа бир концерни — "BAE Systems" ана шундай ишларда алоқаси борлиги аниқланиб, ярим миллиард АҚШ доллари миқдорда жаримага тортилган эди.

**Об-ҳавонинг салбий таъсири**

Европанинг бир қатор давлатларида кузатилаётган ноқулай об-ҳаво шароити қитъа аҳолисининг Янги йил байрами кайфиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, кучли шамол туфайли Буюк Британияда 100 мингдан ортик уй электр таъминотидан узилди қолди. Мамлакатнинг баъзи туманларида эса сув тошқинлари юз бериб, кўприклар ва йўлларга жиддий зарар етди. Транспорт харакати издан чиқди. Поездлар ҳамда самолётлар белгиланган жадал асосида харакатлана олмаяпти. Беш киши ҳаётдан кўз юмган.



Франция, Испания, Португалия ва Бельгияда ҳам ана шундай вазият ҳукмрон. Мазкур давлатлардаги бир қатор аэропортлар фаолияти вақтинча тўхтатилади. Тоғли худудлардаги дам олиш масканлари ёпиб қўйилган. Маҳаллий аҳолига зарурат бўлмаганда, уйдан чиқмаслик тавсия қилинган.

**Қирқта машина тўқнашди**

АҚШнинг Огайо штатида йирик йўл транспорти ҳодисаси содир бўлди.

"Ассошиэтед Пресс" ахборот агентлиги хабарига қараганда, худуддаги йирик магистраллардан бирида қирқдан ортик автомобиль тўқнашиб кетган. Курбонлар ва тан жароҳати олганлар ҳақида маълумотлар йўқ. Кўнгилсиз воқеа кучли қор бўрони сабабли юз берган.



**Пенсия ёши ўзгарадими?**

Хитойда пенсияга чиқиш ёшини ўзгартириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Бу ҳақда мамлакат инсон ресурслари ва ижтимоий таъминот вазирлиги маълум қилди. Амалдаги қоидага кўра, айни пайтда Хитойда аёллар 50, эркаклар 60 ёшдан нафақага чиқади. Эндиликда ана шу муддат яна беш йилга узайтирилиши мумкин. Бу тартибга 2020 йилга қадар ўтиш режалаштириляпти. Изоҳла-нишича, мазкур ислоҳот ишсизлик муаммосини ижобий ҳал этишда кўл келади. Гап шундаки, ўтган йили Хитойда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 3,45 миллион кишига камайган.

Мамлакатда бундай ислоҳот охири бор 1950 йилда амалга оширилган эди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



**ХАЛҚ БАНКИ**

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳалари, хусусан, саноат, кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалигида жадал ўсиш кузатилаётганлиги туфайли аҳолининг бандлик даражаси ортиб, турмуши тобора обод бўлмоқда. Бу жараёнда ўз фаолиятини замонавий асосда такомиллаштираётган молия маассасаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Чунки юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириши, устувор вазифаларни амалга оширишда тижорат банкларининг молиявий кўмаги катта мадад бўлмоқда.

**ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР, АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР**

Хусусан, мамлакатимизнинг етакчи молия маассасаларидан бири ҳисобланган Давлат-тижорат Халқ банки бунда ўзига хос мавқега эга. Мазкур банк жаҳон андозаларига интилан ҳолда, мунтазам равишда банк хизматларининг жозибдорлигини ошириб, мижозларига самарали хизмат кўрсатиб, аҳолининг банк тизими-га бўлган ишончини мустаҳкамлаш борасида изчил фаолият олиб бормоқда. Айниқса, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларига инвестиция киритиш, тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларига кредит ажратиш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш ва юрт ободлигига ҳисса қўиши унинг фаолиятида муҳим йўналишлардан саналади.

Халқ банкнинг бугунги мавқеи тобора ортисига Хоразм вилояти филиали ҳам эришяётган юқори натижалари билан муносиб ҳисса қўшмоқда. Хозир мазкур муассаса вилоятдаги 12 та филиали, 14 та минибанки, 150 та шохобчаси ва 34 та махсус кассаса орқали 4 мингдан зиёд юридик ҳамда 400 мингга яқин жисмоний шахсларга замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Одатда, банklar тижорат фаолиятини барқарор юритиш учун, албатта, ўз ресурслари ва аҳолидан жалб қилинган маблағлардан кенг фойдаланади. Шу маънода, ушбу банкда Президентликнинг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талаблари асосида миллий ва хоржий валютада 20 га яқин омонат тури ташкил этилган. Жорий йилнинг декабрь ойи ҳолатига кўра, аҳоли

омонатларининг қолдиғи 41 миллиард сўмдан ортди. Мижозларга миллий ва чет эл валютасидаги омонатларни қабул қилиш бўйича намунали хизмат кўрсатиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилгани боис банкда йиғилган омонатлар иқтисодиётимизни ривожлантиришга, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама тараққий топтириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Филиал жамоаси ҳам мамлакатимиз равнақи, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашга бел боғлаган қўллаб тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Туманларда, чекка қишлоқларда фуқаролар, ишбилармонлар ҳамда ёшлар билан уларнинг тадбиркорликка бўлган қизиқиши ва интилишини ошириш, оилавий бизнесни йўлга қўйишлари учун кўпроқ кредит ажратиш мақсадида учрашувлар, суҳбатлар ўтказдик, — дейди Халқ банки вилоят филиали бошлиғи Отабек Абдалниязов. — Бундай саъй-ҳаракатлар ўз натижасини берди. Жорий йил бошидан буён барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар 36 миллиард 451 миллион сўмга етди. Шу жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш, бизнес юғларини рўёбга чиқариш учун 1 миллиард 129 миллион сўмдан ортик кредит маблағлари йўналтирилди. Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга эса 3 миллиард 655 миллион сўм кредит ажратилди. Келгусида бу йўналишдаги фаолиятимизни янада жонлантиришни мақсад қилганмиз. Зеро, кичик бизнес иқтисодиётимизнинг асосий таянчидир.

Дарҳақиқат, банк филиали ажратган сармоя ҳисобига янгидан ишлаб чиқаришни йўлга қўяётган, ёшларни иш билан таъминлаётган, уларга даромад манбаини яратиб, элга наф келтираётган тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда. Урганч шаҳридаги "Дилфуза сервис" корхонаси ана шулардан бири.

— Банк филиалидан 200 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тадбиркорликка қўл урдим, — дейди мазкур корхона раҳбари Гулбахор Жуманиёзова. — Хориждан замонавий технологик усуналар келтирилиб, 10 нафар йигит-қиз ишга жалб қилинди. Ҳозир бу ерда ойига ўртacha 15 миллион сўмлик 8 турдаги нон ва нон махсулотлари тайёрланапти.

Хива туманидаги "Юлдуз Кундуз инвест" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Маҳмудов банкнинг Хива филиали томонидан 5 йил муддатга ажратилган 130 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига "Боғишамол" сайёҳлик мажмуасини ташкил этди. Бу ерда сайёҳларга замон талаблари асосида хизмат кўрсатилмоқда.

Умуман олганда, кредит миқдорини ошириш, айниқса, инвестициявий йўналишдаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш филиал жамоасининг доимий диққат-эътиборида турибди. Чунки бу масъулияти вазифа иқтисодиётимиз юксалишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган катта ишлар самараси ўларoқ жорий йилнинг 11 ойида банкнинг

кўрсатиш ҳамда сервис соҳаси объектларининг фаолиятини йўлга қўйиш учун 5 миллиард 300 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида 6316 та иш ўрни яратилди. Банк филиали фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши ҳақида алоҳида айтиб ўтиш лозим. Гап шундаки, филиал жамоаси вилоятда жадал олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига молиявий кўмаклашиш мақсадида муайян ишларни амалга оширмоқда. Айтилик, ажратилган 15 миллиард сўмдан ортик кредитлар эвазига Урганч шаҳрида 3 та кўп қаватли уйни бунёд этиш ишлари ниҳоятга етказилмоқда. Уларнинг биринчи қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлайди. Бу муҳташам иморатларда яқин кунларда уй тўйлари ўтказилади. Банкнинг молиявий кўмағи билан қўллаб ёш оилалар ҳаётида ҳам қувончли воқеа рўй беради. Уларнинг бундай кўркам уйларида камол топадиган фарзандлари ертага баркамол инсонлар бўлиб етишадилар, жамиятимиз тараққиётига ҳисса қўшадилар.

Филиал томонидан ёш оилаларга турмуш ипотека кредитлари, балки турмуш шaroитини яхшилаб олишлари учун мўлжалланган катта миқдордаги истеъмол кредитлари ҳам бериляпти. Шу мақсадда жорий йилнинг ўтган даврида 1 миллиард сўмга яқин истеъмол кредитлари ажратилгани айни муддао бўлди.

Мухтасар айтганда, Халқ банки Хоразм вилояти филиали томонидан кўрсатилган хизматлар тобора кенгайиб бормоқда. Филиал жамоаси "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили асосида иш юритиб, ўзининг самарали фаолияти билан вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмушини янада яхшилашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- Зангиота тумани СИБ томонидан 7705/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Зангиота» ҚФЙ, Амир Темуր кўчаси, 273-уй. **Бошланғич баҳоси — 110 000 000 сўм.**
- Аукцион савдоси 2014 йил 13 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
- Яккасарой тумани СИБ томонидан 2013 йил 19 августдаги 1-2299/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 67-8-уй, 15-хонадон. **Бошланғич баҳоси — 200 000 000 сўм.**
- Аукцион савдоси 2014 йил 28 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истигадидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ОАТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО: 01103, СТИР: 207 125 885. Аукцион ёлиби сотиб олган мулк қийматини 5 (беш) банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент ш., Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8-371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

**«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ**

мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

- Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан ФИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Мақсуд Мансур Меҳри» фермер хўжалигига тегишли, Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ худудига жойлашган, умумий майдони бир гектардан иборат бўлган иссиқхона. **Бошланғич баҳоси — 910 781 557 сўм.**
- Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан ФИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Шухрат қурилиш транс сервис» МЧЖга тегишли, Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида жойлашган кўп қаватли «Орзу» уй-жой комплекси. **Бошланғич баҳоси — 3 043 791 382 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 10 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Кўчмас мулклар 2014 йил 10 январдаги кимошди савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 27 январь куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти худудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

Мулкдор бўлиш истигадидаги харидорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» МЧЖга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт: — юқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза; — савдо ташкилотчисининг «Хамкорбанк» ОАТБ Бухоро филиалидаги МФО: 00966, СТИР: 302097424, 2020800004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси; — талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси.

Мазкур кўчмас мулклар қуйидаги шарт асосида сотилади: харидор савдо ўтказилган кунда суд бошқарувчиси билан олди-сотди шартномасини имзолаб, шартномада белгиланган муддат ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши шарт.

Мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Кўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, «Shad savdo zamin» МЧЖ. Телефонлар: (8-365) 221-51-62, (+99894) 248-48-65. Лицензия RR-0048.

**«Тошкент труба заводи» ҚК**

ўзида ишлаб чиқарилган махсулотларни сотади.

(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).

**Сув ва газ ўтказувчи қувурлар —** ГОСТ 10705-80, Ø 15 — 114 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 250 000 сўмдан бошлаб.

**Газ ва нефть ўтказувчи қувурлар —** ГОСТ 20295-85, Ø 159 — 337 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 500 000 сўмдан бошлаб.

**Квадрат кесимидаги пўлат қувурлар —** ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100, 150x150, 170x170.

**Тўғри бурчак кесимидаги пўлат қувурлар —** ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120, 80x150, 60x125. Девор қалинлиги 1,0 — 4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Бундан ташқари, қўшма корхона «API-5L» стандарти бўйича ишлаб чиқарилаётган Ø 325 мм.дан Ø 1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм.гача бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурларни харидорларга таклиф этади. Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

**Сирдарёлик муҳандислар ихтироси**

Янгиер шаҳрилик ака-ука Фанижон ва Обиджон Раҳимжоновлар интернет орқали тавсия этилган технологияларни ўрганиш орқали "Шоҳ Акбар Бек Файз" хусусий корхонасида етти рангдаги бўёқ ҳамда эмульсия ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

**ИЗЛАНИШ**

Асли мутахассислиги муҳандис бўлган ака-укаларнинг интернетдаги тавсиялар асосида яратган технологияси учун, бор-йўғи, 5,5 миллион сўм маблаг сарфланди. Улар ташкил қилган цех кунига 2,5 тонна эмульсия ва 600 килограмм бўёқ ишлаб чиқариш қувватига эга. Эътиборлиси, мазкур қурилиш ашёлари сифат жиҳатидан мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Шу боис ҳозирги кунда корхона махсулотларига маҳаллий харидорлардан ташқари, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидан ҳам буюртмалар тушмоқда.

— Ушбу лойиҳани тўлиқ рўёбга чиқариш учун укам Обиджон олти ой давомида Тошкентдаги бўёқ тайёрловчи корхоналарда малака ошириб келди, — дейди корхона раҳбари Фанижон Раҳимжонов. — Эндиликда ўзимизнинг фермерларимиз этиштираётган махсар ёғи ва канифол аралашмасидан лок-бўёқлар тайёрлаш устида изланишлар олиб бораёпмиз. Бундай таркибда ишлаб чиқариладиган махсулотлар эса арзон ва сифатли бўлади. Чунки у, асосан, маҳаллий хом ашёдан тайёрланади.

Ахмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

